

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 941-ҳадис**

941 – عَنْ أَبِي رَافِعٍ أَسْلَمَ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: «مَنْ غَسَلَ مَيِّتًا فَكَتَمَ عَلَيْهِ عَقْرَ اللَّهِ لَهُ أَرْبَعِينَ مَرَّةً». رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَقَالَ: صَحِيحٌ عَلَى شَرْطِ
مُسْلِمٍ [1/354، 362].

941. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озод қилган қуллари Абу Рофеъ
Асламдан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким маййитни ювиб, ундаги (айбларни) яширса, Аллоҳ уни қирқ марта
мағфират қилади», дедилар.

Имом Ҳоким ривоят қилиб, Муслимнинг шартига биноан саҳиҳдир, дедилар.

Шарҳ: Юзи ўзгариб кетса ёки илон кўриб қолса, ўша маййитнинг айбини яшириш
шартдир. Агар маййит фосиқ бўлса, бошқаларга ибрат бўлиши учун айбини
айтишнинг зарари йўқ.

Манба: hadis.islom.uz



